Юкори даромадли лойихларга химояланган инвестициялар

КЕРАКЛИ БЎЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ МИҚДОРИ:
$20 000

ЙИЛЛИК СОФ ФОЙДА:
$22 200

ИНВЕСТИЦИЯ САРМОЯСИНИНГ РЕНТАБЕЛЛИГИ:
65%

МУАЛЛИФ САРМОЯСИ:
$245 000

Лойиҳа бўйича қўшимча маълумот олиш учун:
+99898 338 93 33
+99890 925 96 81

info@uzinvest.uz



ЛОЙИХА № 1943
КОТТЕЖНИ ИЖАРАГА БЕРИШ

Лойиханинг махсади: Тошкент шаҳрининг нуфузли Мирзо Улуғбек туманида **4,25 сотих** хусусий ерда кенг коттеж қурилган. Иккита уйнинг фойдали майдони **165 м²** ни ташкил этади, ички ҳовлининг бўш майдони эса **225 м²** бўлиб, у кўча омборхонаси ёки бошқа эҳтиёжлар учун мос келади.
Шунингдек, ушбу объектда ажойиб **120 м²** ли терасса ҳам мавжуд бўлиб, у очиқ ҳавода дам олиш ва тадбирлар ўтказиш учун идеал ҳисобланади. Коттежни узоқ муддатга (3-5 йилга) жисмоний ва юридик шахсларга ижарага олиш мумкин, уни офис, бизнес ёки турар жой сифатида фойдаланиш имконияти бор.

Коттеж ижарага олиш учун талаб юқори бўлган машҳур жойда жойлашган. Қулай боғ, хавфсизлик тизимини ўрнатиш имконияти ва асосий инфратузилма объектлари – дўконлар, ресторанлар, боғлар, кафе, мактаблар ва болалар боғчаларига яқинлиги уни ижарачилар учун жуда жозибали қилади.

Бино тайёр, фақатгина охирги таъмирлаш ишлари қолган бўлиб, улар **2-3 ой** мобайнида тўлиқ амалга оширилади. Коттежни ижарага тезда бериш ва барқарор даромад олиш имконини яратиш учун таъмир ва ҳовлини ободонлаштириш ишларини якунлаш учун сармоялар зарур.

Лойиҳанинг амалга ошириш муддати – **3 ой.**

Объект қурилиши учун $30 минг миқдорида кредит олинган, шунингдек, лойиҳа муаллифининг $15 минг шахсий сармоялари ва ернинг $230 минг қиймати қўшилган.

Лойиха учун керакли инвестиция миқдори: $20 000, шундан:

Номланиши	Сумма, $
Брусчатка: 250 м²	2 500
Плитка: 100 м²	1 500
Эшиклар	2 500
Иситиш тизими	1 000
Ҳожатхона ва душ	3 000
Хоналарни таъмирлаш	3 000
Дарвозалар	1 500
Терассани ободонлаштириш	2 500
Бошқа харажатлар	2 500
Жами	**20 000**

Йиллик даромадлар хакида маълумот

Номланиши	Ойлар микдори	Нархи, $	Сумма, $
Коттеджни ижарага бериш	12	3 000	36 000
Жами			**36 000**

Йиллик харажатлар хакида маълумот

Номланиши	Сумма, $
Қурилиш учун кредитни тўлаш	12 000
Соликлар	1 800
Жами	**13 800**

- Йиллик даромад: $36 000
- Йиллик харажатлар: $13 800
- **Йиллик соф фойда**: $36 000 – $13 800 = **$22 200**

ROI = $\frac{\text{Сой фойда}}{\text{Инвестиция}}$ x Инвестор улуши x 100% = **89%**

Фойданинг тақсимланиши

Киритган сармояси тўлиқ қоплангунига қадар:
Инвестор – **80%** ва лойиҳа Муаллифи – **20%**
Инвесторнинг киритган сармояси тўлиқ қоплангач:
Инвестор – **50%** ва лойиҳа Муаллифи – **50%**

Муаллиф 3 йиллик шартномани таклиф қилади. Инвестор ўз улушидан чиқса, муаллиф сарфланган маблағларни тўлиқ қайтаришга мажбур.